ХОРИЖГА СИФАТЛИ ТОЛА

Қизилтепа пахта тозалаш корхонаси жамоаси Мустақиллик байрамининг 6 йиллигига муносиб туҳфа ҳозирлади. Корхона хорижий мамлакатларга, хусусан, Германия, Корея, Хитой ва Англияга 8 минг тоннадан зиёд сифатли пахта толаси жўнатди. Бу ўтган йилгига қараганда бирмунча кўпдир. Шу билан бирга корхона жамоаси янги мавсум ҳосилини қабул қилиш ишларига ҳам ҳозирланган.

Музаффар ШАРОПОВ.

ЭЛЕКТРКАРА НАМАНГАНДА ЧИҚАДИ

Илгари йирик корхоналар ва қурилишлар ҳудудида оғир ишларни бажарадиган электркаралар хориждан қимматга сотиб олинар эди. Намангандаги механизация машиналари акциядорлик жамияти электркара машиналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозирча 2 тонна юк ташийдиган электр машинанинг дастлабки туркуми синовдан яхши ўтди. Корхона бош муҳандиси Алишер Жўраевнинг бизга маълум қилишига, йил охиригача 20 та машина чиқарилади. Ҳозир дастлабки буюртмалар олинмоқда.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

ЙИЛ ОЙИ КУН
14 ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, АВҲОЛОТЛАР

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Польшанинг иқтисодий ривожида Ўзбекистондан экспорт этилаётган пахта муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу мамлакат жаҳондан сотиб олаётган пахтанинг 80 фоизи Ўзбекистон зиммасига тўғри келяпти. Ўтган йили 72 минг тонна пахта юборилган. Бу, ҳисобларга қараганда 109 млн. доллар бўлади. Ушбу миқдор жорий йилда янада ошиши кутилмоқда. Польша ўз навбатида мамлакатимизга инвестиция киритиш бўйича янги лойиҳалар таклиф этган.

Мунира АЗИМОВА.

АКАДЕМИЯНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси биринчи қалдирғочларини учирма қилди. Бу ерда раҳбар кадрлар малакасини ошириш факультетини дастлабки 20 кишилик гурух битириб чиқди. Уларга тегишли дипломлар топширилди. Банк, солиқ, молия факультетларини эса тингловчилар яқин уч-тўрт ойда битиришади. Марказий Осиёда ягона бу билим даргоҳида янги ўқув йили учун навбатдаги қабул эълон қилинди. Тўрт факультет бўйича 100 киши ўқишга қабул қилинди.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 14 август, пайшанба № 95 (22.179).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ *1993 йил 14 август — **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Ўш вилоятида бўлди. Бу ерда Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат бошлиқлари 1994-2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги баёнотномани имзоладилар.***

✓ *1996 йил 14 август — **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ватанимиз тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантиришда бу қарорнинг аҳамияти катта бўляпти.***

Олти ёшинг, олтин ёшинг муборак!

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

Шундай авлодлар бўладики, бутун умри изланишда ўтади, яъни тиним нималигини билмайди. Мустақил Ўзбекистон авлодлари менга шундай туюлади. Озод, обод Ватан ишқида на чарчоқ, на зерикиш билмайдиган бу янги авлод учун изланиш, юрт ишқида ёниш одатдаги иш, қолаверса, бурч!

Ҳаёт йўллардан иборат, деган экан бир донишманд. Олти йил. Бу асрлар, даврлар олдида зарра деган сўз. Аммо шу кичик «зарра»да олам мужассам: тилимиздан ишбилармонлик, тадбиркорлик, ҳатто маркетинг, менежмент деган янги иборалар мустаҳкам ўрин олди. Янги нафас, янги қадамни ҳар жабҳада учратасиз. Вужудингизда ҳам янги бир туйғу... Ислоҳотлар жадал одимлаяпти: у барча эскириб, ўз умрини яшаб бўлган нарсаларни четга суриб ташлаяпти! Мустақиллик шиддат билан олға бораётганини, унинг ҳар жабҳада мустаҳкамланаётганини ҳар биримиз ўз ишимизда, ҳаётимизда ҳис этиб турибмиз.

Мустақиллик майдонида — мамлакатимиз бош майдонида ҳам бугун ўзгача бир шукуҳ. Байрамга тайёргарлик кечаю кундуз давом этяпти. Ўтган байрамлардан қолишмайдиган, мутлақо янги мазмун, янгича моҳият билан нафақат халқимизга, бутун узоқ-яқиндан келган меҳмонларга, чет эл вакилларига намойиш этишга арзигулик туҳфаларимиз кўп. Аммо буни ифодалаб беришнинг ўзи бўлмайди. Бунга ҳам бор санъатимизни, маҳоратимизни ишга солмоғимиз керак. Туҳфалар нималарда намоён бўлади?

Леонард Тен — Санкт-Петербургдаги 4-қурилиш трестида оддий қурувчи экан.

— Ҳозиргина Амир Темур музейидан келяпман, — гап бошлади меҳмон, — музейнинг ҳашаматлилигига, ноёблигига гап йўқ. Улкан қандил қаршисида ҳар қандай одам узоқ туриб қолади. Музейнинг тузилиши — кенг ва ёруғлиги, Амир Темур хиёбонига узукка кўз қўйгандек бўлиб турганини айтмай қўяқолай. Бу — ҳақиқий, ноёб топилма, десам бўлади!

— **Нима сабабдан келувдингиз?**

— Алмати шаҳрида — политехника институтида акам Алексей — профессор. Кўргани келувдим. «Бугунги Тошкентни бир бориб кўргин. Қанчалар ўзгариб кетганига ўзинг гувоҳ бўласан», — деди. Ўзим Ўрта Чирчиқ туманидаги «Шимолий ёғду» колхозида 1943-48 йилларда яшаганман. Ҳозир ёшим 63 да. У пайтдаги Тошкент билан ҳозиргиси ер билан осмонча фарқ қилади! Музейдаги ёзувлар ўзбекча ва инглизча экан. Мустақиллик муҳри булар. Мустақиллик амалда нималар берганини, менимча, ҳар бир келган меҳмон ўз кўзи билан кўриб фақат қойил қолмоқда!

Яна бир суҳбатдошимиз — Николай Қорабоев — сахт-сумбати келишган, миқти гавдали, қорача киши саволимизга ҳожат ҳам қолдирмади. У машҳур тошкентлик қурувчи, марҳум Ҳамид Қорабоевнинг ўғиллари экан! Раҳматли отаси Тошкент зилзиласидан кейин не-не турар-жой биноларини тиклашга ҳисса қўшган забардаст бинокор эди. Яхши танирдик.

— Рафиқам Вера элликка тўлди. Майдонни сайр қилиб юрибмиз. Мустақиллик йилларида биргина Тошкент эмас, Самарқанд, Бухоро — ҳамма шаҳарлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Кўз қувонмай бўладими!..

Икки ёш йигит салқинда дам олишаётган экан. Янгийўллик Нуриддин, қўшработлик Хайриддинлар билан узоқ суҳбатлашиб қолдик. Бугунги қишлоқ йигитларининг фикри қандай экан?

— Шаҳарликларга мазза, — деб қолди Нуриддин, — аммо бугунги қишлоқ ҳам чакки эмас, ака. Айниқса тадбиркору фермерлар қандини урсин! Фақат бир гапки, бозор — рақобат дегани-а? Ҳозирча магазинлар бир-бири билан рақобат қилолмаяпти: нарх — ҳаммасида келишиб олгандек бир хил. Аммо бозор билан магазинлар ўртасида ҳақиқий рақобат бор. Бозорда ҳар қалай арзон...

— Чет элда, — унга қўшилди Хайриддин, — бир магазиндаги буюм айтайлик минг сўм бўлса, бошқасидан худди шу буюмни 800 сўмга олиш мумкин. Мана, бизда асосан узумчилик. Узумни (ёки сутни) бозорга олиб бориб сотишдан боғбон (ё чорвадор) манфаатдор эмас. «Эшаги тушовидан қиммат»га тушади. Эпчил, машинаси борлар катта миқдорда қишлоқлардан узум (ё сут)ни йиғиб, шаҳарга олиб келишяпти. Бир ярим-икки ҳисса қимматига сотишяпти...

Ҳа, Мустақиллик мустақил фикрлаш, иш кўриш, тадбиркорликка кенг йўл очди. Ёшми кексами — бу ҳеч кимни ҳаётда лоқайд қолдирмаяпти. Ишнинг кўзини билган одам борки, ютяпти.

Қисқаси, майдондан бир олам таассурот билан қайтдим. Уларни фақат сўзлаб бериш эмас, ҳис этиш муҳим. Ҳис этиш эса шу азиз, озод Ватан фарзанди эканингни сўзда эмас, ишда ўзингни намоён этиш билан уйғунлашган бир туйғудир...

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ



Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

«Ипак йўли» Ўзбекистон инновацион-тижорат банки ходимларининг шу йил 13 августдаги умумий йиғилиши республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини ўрганишга бағишланди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди. Маърузачи мамлакатимиз ва жаҳон жамоатчилигининг диққатини тортган мазкур китобнинг бой мазмун-моҳияти ва катта сиёсий ҳамда амалий аҳамияти тўғрисида гапириб, йиғилганларни уни чуқур ўрганишга даъват этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

«ШАРҚ ТАРОНАСИ»

(Фестиваль мадҳияси)

Дилором ОМОНУЛЛАЕВА мусиқаси, Усмон АЗИМ шеъри.

Дунёнинг кўнглига сен бердинг ҳаёт,
Руҳингдан, Она Шарқ, яралди баёт.
Куйламоқ шавқида моҳир ўзингсан,
Ҳофиз ўзингдирсан, шоир ўзингсан.

Жўр бўлгин, инсонга мусиқа — қанот,
Қўшиқдан кўнгиллар бўлғуси бунёд.
Қўшиқда ўртанган тилаксан, о Шарқ,
Жумлан жаҳонга юраксан, о Шарқ!

НАҚОРАТ:

Салом Самарқанд, — Шарқ дарвозаси,
Тарал жаҳонга — Шарқ таронаси!

(инглизча)

Greeting, Samarkand, gateway of the East,
With the music spread through West and East.



БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *«Интернет» ахборот тизимининг хабарига кўра, Афғонистон ва Тожикистон чегарасини бузиб ўтиш воқеаси содир бўлди. Бу уриниш чегарачилар томонидан барбод этилган. Маълум бўлишича, чегарани бузиб ўтувчиларни афғон ҳудудидан ўт очиб қўллаб-қувватлаб туришган. Чегарани бузиб ўтганлардан икки киши чегарачилар билан отишмалар пайтида ҳалок бўлган. Куни кеча чегарада Афғонистондан каттагина миқдордаги опиум олиб кетаётган яна икки киши қўлга тушириди.*

* * *

☑ *Теҳрон шаҳрида Осиё ва Океания мамлакатлари ахборот агентликлари уюшмасининг 10-сессияси очилди. Унинг иштирокчилари ушбу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Сессияда 30 дан ортиқ ахборот агентликларининг вакиллари иштирок этишмоқда. Ушбу уюшма 1961 йилда ташкил этилган эди. Австралия, Ҳиндистон, Индонезия, Жанубий ва Шимолий Корея, Туркия ва Япония унинг аъзоларидир.*

* * *

☑ *Иорданиянинг Акаба шаҳрида Иордания қироли Ҳусайн билан Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяхунинг учрашуви 13 августга мўлжалланган эди. Тахмин қилинишича, унда Иорданиянинг Исроил — Фаластин муаммосини ҳал қилишда воситачилик вазифасини бажариш имкониятлари муҳокама қилинади. Айниқса шу йилнинг 30 июлида Қуддусда юз берган қўпорувчилик ҳаракати туфайли бузилган муносабатларни яна тиклаш масаласи учрашувда кўриб чиқилади.*

* * *

☑ *АҚШ давлат Департаментининг янги расмий вакили Жеймс Рубин брифинг ўтказди. Унинг айтишига, қарағанда Болқон ярим оролидаги муаммоларни ҳал этиш борасидаги воситачилар Ричард Холбрук билан Роберт Гелбард қатор келишувларга эришишди. Улар элчилар танлашдаги тизимга ўзгартиришлар киритиш борасида шартнома тузишди. Томонлар, шунингдек, телекоммуникациялар соҳасида ҳам келишиб олишди.*

Партия ахбороти

НОГИРОННИ ЭЪЗОЗЛАБ

Ўзбекистон ХДП Пайариқ туман кенгашининг «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида яшовчи бир гуруҳ фахрийлар билан ўтказган учрашуви кўпчиликнинг ёдида қолди.

Соннибой Ҳаққулов 1-гуруҳ ногирони. Бугун Соннибой бобо 85 ёшда. Невара-чеваралари қуршовида. Туман кенгаши раҳбарлари Соннибой ота билан илиқ суҳбат қурдилар. Президентимиз И. Каримов Ўзбекистонда тинчликни сақлаб жуда катта иш қилаётганлигини отахон мамнуният билан қайд қилди.

Учрашувда қатнашган II-гуруҳ ногирони Эшқобил Улашов, меҳнат фахрийси Абдулла Нишоновлар ҳам сўзга чиқиб, Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китоби Ўзбекистонда тинчликни сақлашда катта роль ўйнашини билдирдилар. 1-гуруҳ ногирони, меҳнат фахрийси Соннибой Ҳаққуловга туман кенгашининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Совғаларни Ўзбекистон ХДП Пайариқ туман кенгаши биринчи котиби Э. Аҳадов топширди.

Р. САФАРОВА,
Ўзбекистон ХДП Пайариқ тумани кенгаши ходими.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР ОИЛАГА СИНГСИН

Яқинда Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқий кадрларни таёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонини мамлакатимиз аҳолиси қизғин кутиб олди.

Биз яқинда шу мавзуда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Адлия бошқармаси бошлиғи муовини, Тошкент шаҳар фуқаролик ҳолатлари далолатномасини ёзиш бўлими бошлиғи Гулнора Соаталиевна ИНОМЖОНОВА билан суҳбатлашдик.

— Гулнора Соаталиевна, суҳбатимизни аҳоли ҳуқуқий маданиятини қандай қилсак юксалтира олишимиз мумкинлигидан бошласак...

— Дарҳақиқат, юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳуқуқий давлатнинг энг асосий шартларидан бири — фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдир. Маълумки, инсоннинг маънавий камолоти, айниқса ҳуқуқий маданияти оилада шакллана бошлайди.

Оила нечоғлик мустаҳкам, тинч, барқарор бўлса, унда тарбияланиб вояга етаётган ёш авлод ҳам маънавий етук, теран фикрли, соғлом ва комил инсон бўлиб етишади. Доно халқимизнинг «Оилалари мустаҳкам бўлган, равнақ топган мамлакат қудратли, бой ва фаровон бўлади» дейиши бежиз эмасдир. Фуқароларни фамилиясини, исми ёки отасининг исмини ўзгартириш каби ҳаракатлар ФҲДЁ бўлимларида амалга оширилади. Мазкур ҳодисалар муҳим юридик аҳамиятга эга. Масалан, чақалоқнинг туғилишини қайд этиш билан, бу жажжи инсон шу юртнинг фуқароси эканлиги ва маълум ҳуқуқлари мавжудлигига далолат берилади.

Умуман, фуқаролик ҳолати деганда, шахснинг ҳуқуқий лаёқати, муомала лаёқати, бу фуқарога маълум насаб, исм ва шарифнинг тегишлилиги, шунингдек унинг оилавий ҳолати тушунилади. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг жамиятдаги тутган ўрнида ва унинг бошқа шахслар билан бўлган муносабатларида намоён бўлади.

— ФҲДЁ идораси вазифасини барча фуқаролар тўғри тушуниб етармикан?

— Афсуски, кўпчилик фуқаролар буни тўғри тушуниб етмайдилар. Улар ФҲДЁ идораларига фақат ҳужжат ёзиб берадиган девонхона сифатида қарайдилар, холос. Балки бунга авваламбор биз ФҲДЁ идораларида ишлаётганлар айбдормиз. Чунки матбуот саҳифаларида уларга ёрдам берадиган материалларни деярли чиқармаймиз. Ваҳоланки, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳар бир ҳуқуқшуноснинг асосий вазифаси ва шу куннинг долзарб талабидир.

— Илгариги Конституциялардан мутлақо фарқ қилган Ўзбекистоннинг мустақил Конституциясидан келиб чиқиб, ФҲДЁ идоралари фаолиятини ташкилий асослари ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Республикамиз Конституциясининг асосий принципларидан бири — фуқароларнинг қонун олдида тенглигидир.

Маълумки, илгариги даврда ФҲДЁ идоралари туман, шаҳар ижроия қўмиталари таркибида эди. ФҲДЁ идоралари зиммасига юклатилган вазифалар муҳим юридик ҳарактерга эга бўлишига қарамай, бундай ишлар педагоглар, филологлар ва бошқа ходимларга топширилган эди. Шубҳасиз, бу ҳолат ФҲДЁ бўлими идоралари ишига салбий таъсир қилмай қолмаган.

Ҳозирги пайтда ФҲДЁ идоралари Адлия вазирлиги тизимига ўтказилган бўлиб, жумладан, Тошкент шаҳри адлия бошқармаси тизимида 11 та туман ФҲДЁ бўлимлари ва 4 та никоҳ уйлари фаолият кўрсатади, бу идораларда 90 га яқин ходим хизмат қилмоқда. Уларнинг 90 фоизи олий ва ўрта юридик маълумотга эга бўлиб, улар орасида махсус юридик маълумотга эга бўлмасада, кўп йиллик бенуқсон иш тажрибасига эга бўлган ходимлар ҳам бор.

— Энди фуқароларнинг пуллик ҳуқуқий хизмати ва давлат божи ҳақида ҳам маълумот берсангиз?

— ФҲДЁ бўлимларида, никоҳ уйларида кўрсатиладиган хизмат учун давлат божи ундирилади. Масалан, никоҳни қайд қилиш учун ФҲДЁ бўлимларида энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида ҳақ олинади.

— Гулнора Соаталиевна, оилани мустаҳкамлаш борасида сиз раҳбарлик қилаётган ташкилот олиб бораётган тадбирлар билан танишсак...

— Хусусан сўнгги пайтларда туманларда, «Қизлар — миллат келажаги», «Намунали оила», «Қайнонам — онам менинг» каби мавзуларда тадбирлар ўтказилди. Шунингдек «Исломобод» оила ва никоҳ маросимлари марказида 7 та авлод мучал тўйи ўтказилди. Бу тадбирларимизнинг асосий мақсади — оила муқаддаслигини, миллий урф-одатларимиз, келин-куёв, қайнона-келин ўртасидаги яхши муносабатларни тарғиб қилиш. Қизларни келажакка тайёрлаш, шу йўл билан бўлажак оилалар мустаҳкамлигини таъминлашдир.

Оила бузилишининг олдини олишга қаратилган тадбирларни, албатта, кенг жамоатчилик иштирокида амалга ошириш лозим.

1996 йилда Тошкент шаҳрида 15 минг 986 та никоҳ қайд этилган бўлса, шу вақт ичида 5607 та никоҳ бекор бўлган. Шундан 1336 таси ФҲДЁ бўлимлари орқали бекор қилинган. Бу оилаларнинг 2732 таси бир йилдан 5 йилгача турмуш қурган. Бир-бирини яхши ўрганиб кетмаган икки ёшнинг масъулиятсизлиги оқибатида оила бузилган. Ачинарлиси шундаки, ҳар бир бузилган оилада ўрта ҳисобда 1 тадан бола бўлса ҳам уларнинг аксарияти фақат она қарамоғида қолади. Фарзанд тарбияси, меҳнат, иқтисодий муаммолар билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни ҳамма аёл ҳам енга олмайди. Баъзилари бунга бардош бера олмайди. Жиноят содир қилишгача борганлари ҳам бор. Бола тарбиясидек муҳим вазифани ёлғиз оналар зиммасига юклатиш, унда ота иштирокининг йўқлигини тарбияга қандай таъсир қилиши ўз-ўзидан аён. Бу муаммони биргина ФҲДЁ бўлимлари имкониятлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Жойларда ҳокимият халқ таълими идоралари, маҳаллий қўмиталар ҳозирги ўсиб келаётган ёш авлодни оила шарафи, номусини сақлаш ва ҳурмат қилиш руҳини ёшлигидан улар онгига сингдириш йўлларини топишини, бу иш бутун жамият ишига айланишини шароит тақозо қилмоқда. Ёлғиз она — ўзбек миллатига бутунлай ёт ибора бўлиши шарт.

Тотлибой ТУРОНОВ
суҳбатлашди.

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ АСОСИДА

Мустақиллик неъматлари

Истиқлол инъоми — Марказий Осиёда ягона «ЎзДЭУавто» ишга тушадиган кунлар арафасида Андижондаги «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти янгидан юз очди. Жамоа қўшма корхонада ишлаб чиқариладиган автомобиллар савдоси ва техник хизмат кўрсатишга шайланди. Хизмат кўрсатиш жойларидаги техник жиҳозлар янгиланди. Малакали кадрлар тайёрланди. Бинолар таъмирланиб, янгича кўриниш касб этди. Ҳаракатлар туфайли харидорлару автомобиль эгаларига хизмат кўрсатувчи бутун мажмуа таркиб топди.

Янгиликка ҳамнафаслик ҳар қадамда сезилади. «Нексия», «Дамас», «Тико» автомобиллари яраклаб турган автосалонга кирган кишининг жаҳон андозалари даражасидаги жиҳоз ва мижозларга яратилган қулайликлардан кайфияти кўтарилади.

— Мижозларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатишга, маслаҳатлар беришга ҳаракат қиламиз,— деди ҳисоб бўлимининг етакчи мутахассиси Ҳабибахон Мираҳмедова. — Келувчиларнинг кўнгли кўтаринкилик билан қайтса, мижозларимиз кўпаяди. Бунинг натижасида ҳар икки томонга манфаат келади. Мабодо банкка боғлиқ иш чиқса, «Асакабанк» бўлими ҳам бир қадам. Мижозга мунтазир.

Хизмат жойларида ҳам ҳаёт қайнайди. Жанубий Кореяда малака ошириб келган 10 нафар уста-мутахассис «Нексия», «Тико», «Дамас»лар билан бемалол «тиллашади». Улуғбек Умаров, Дилшодбек Ёрбековлар ёш бўлишса ҳам уста номини ҳар доим оқлашади. Мамлакатимизда тайёрланган замонавий автомобиллар эгаларини ўз хизматлари билан хурсанд этишади.

Мижоз манфаати жамоа манфаатига мос. Ҳиссадорлар жамоаси «ЎзДЭУавто»да ишлаб чиқарилган автомобилларга кафолатли техник хизмат кўрсатиш учун кўчма устахона ҳам ташкил этгани бунинг ёрқин мисоли. «Дамас»даги кўчма устахоналар жамоага моддий манфаат келтириш билан бир қаторда автомобиль эгалари оғирини енгил қилади.

Ҳозир «Автотеххизмат»нинг вилоят ҳудудида йигирмадан зиёд савдо қилувчи автосалонлари очилди. Бу харидорларни овора қилмасдан ўша жойнинг ўзида эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Ўтган йил давомида 3782 та «Тико», «Дамас» автомобиллари сотилган бўлса, бу йилнинг беш ойида натижа кўрсаткичи янада яхши. Жамоанинг изланишлари туфайли янги, замонавий автомобилларга техник хизмат кўрсатиш даражаси кўтарилди.

— Келгусида магистраль йўл бўйларига ихчам, ҳамма қулайликларга эга бўлган автосервислар қуришни режалаштирганмиз, — дейди «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти бошқарув ҳайъатининг раиси Содиқжон Тошматов. — Туман марказларида ҳам бундай хизмат масканлари очамиз. Бу жамоамиз иш қўламини кенгайишига олиб келади, албатта.

— Биринчи техник хизмат кўрсатиш станциясини бир неча сменада ишлашини йўлга қўймоқчимиз, — дея суҳбатга қўшилди «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятининг бош муҳандиси Салоҳиддин Жалилов. Мижозларга техник хизмат кўрсатишга ҳар доим тайёр бўлиш, бу борада ишни жаҳон андозалари асосида ташкил этмоқчимиз.

Ҳа, «Автотеххизмат» жамоаси мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада оширишда изланиб, бунга имкон топяпти. Сервис хизмат кундан-кунга яхшиланмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАХСУС КИЙИМ ОММАЛАШАДИГАН БЎЛДИ

Пахтачида тиббиёт муаммоларига бағишланган республика минтақавий анжумани бўлиб ўтди.

Оналар ва болалар саломатлиги, ҳомиладорлик даврида аёл соғлиғини муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланган мазкур семинар-кенгашда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўқув юртларининг таниқли олимлари маъруза қилдилар.

Учрашувда қатнашган республика соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, вилоят ҳокими А. Мардиев, Навоий вилояти ҳокими Ҳ. Ғаффоров шу ҳудудда амалга оширилган ишларга юқори баҳо бердилар. Пахтачи тумани марказий шифохонасида тиббий «тез ёрдам» машиналари ҳайдовчилари учун тайёрланган махсус кийим андозаси республика бўйича оммалашадиган бўлди.

Ў. ПЎЛАТОВ.

ЎЗИНГДА БЎЛГАНИГА НИМА ЕТСИН

Косонсойда йилига 3500 тонна жунни тайёр маҳсулотга айлантирувчи «Косонсой-Текмен» ўзбек-турк қўшма корхонаси бунёд этилмоқда. У фойдаланишга топширилгач, йилига 2,5 миллион пагон-метр дағал газлама, 1,7 миллион пагон-метр пальто ва костюмбоп газламалар, 870 минг дона жун одеял, 1185 тонна гиламбоп жун ип ишлаб чиқаради. Қўшма корхона қурилишида турк биродарлар билан бирга Косонсойдаги 147, 355-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма бунёдкорлари ҳам жонбозлик кўрсатиб меҳнат қиляптилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ТОШТАРОШЛАР СУЛОЛАСИНИНГ САДОЛАРИ



Олтин тарози

Мармарга битилган сатрлар:

Ҳар кимки бу товоқдан еса таом,
Юз йил яшаб яшнасин мудом!
Менинг товоқсозликдан бўлак ҳунарим йўқ, ҳар кимнинг ҳунари бўлмаса, унга ҳамма жабру жафо ёр бўлар.
Бу товоқнинг соҳиби узоқ яшасин ва унинг лабларидан кулги аримасин.
Бу мармардан ясалган товоқ табаррук бўлиб, Хитой ва Қошғар чиннисидан ҳам афзалдир!

Аслида ушбу сатрлар мармар лаганларга битилган мисралардан айнан таржима қилинди.

Бу пурмаъно сатрлар кимники дейсизми? Суҳбатдошимиз Эркин Абдуллаевнинг катта бобосиники, унинг ўз тили билан айтганда: «Отамнинг отасининг отасини байтлари». Боболари — Мулла Йўлдошбой Қудрат ўғли (тахаллуси Тоштарош) бўлган.

— Отамнинг дадаси Мулла Ҳайитмурод Йўлдош ўғли моҳир тошйўнар эдилар. Бухорода амирнинг ёзги қароргоҳида бир музей бор. Ситораи Моҳи Хосса. Шу ерда ва Бухоро тарихи музейида, юзлаб хонадонларда у кишининг байтлари битилган мармар лаганлар эъзозланиб сақланмоқда. Агар фақат лаган ясаган десак хато қилган бўламиз. Мармар лаганлардан ташқари пойустун (устун тагига қўйиладиган), мармар пиёла, сандалтош (сандал устига қўйиладиган нақшли мармар), ташнов (келин-куёвларга аталган нақшли мармар)...

Эркин Абдуллаевнинг дадаси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи А. Ҳайитов ҳам машҳур уста, тоштарош, Нурота туманидаги тўғарак раҳбари эди.

Дарвоқе, тўғарак ҳақида. Гарчи Абдулла ака 50 йил халқ таълими соҳасида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган бўлса ҳам тоштарошлик ҳунарини қўлдан қўйган эмас. Бундан роппа-роса чорак аср муқаддам у киши Навоий вилоятининг Нурота туманидаги ҳозирги А. Ҳайитов номли 6-ўрта мактаб қошида республикамизда ягона тоштарошлик тўғарагига асос солган.

— Қизиқ бўлган. Чамамда 68-йил эди. Отам Халқ таълими вазирлигига хат ёзди. Меҳнат дарсларига тоштарошликни киритайлик, деб таклиф этди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Биздаги Ғозғон мармари ниҳоятда бебаҳо ҳисобланади. 1957 йилда Парижда ўтказилган халқаро кўргазмада Ғозғон мармари олтин медалга сазовор бўлган.

Отам вафотидан кейин мен Бухоро давлат педагогика институтини битириб келиб, шу мактабда дарс бердим. Тўғарак машғулотларини олиб бордим...

Буни қарангки, 1978 йили Самарқандда ўқувчиларнинг санъат кўргазмаси бўлиб ўтди. Мактаб совринли ўринни олди. Шундан кейингина Халқ таълими вазирлиги тавсияси билан бу мактабга тўғарак раҳбари штати берилди. Ҳозир ўн тўрт йигит-қиз таълим оляпти, ҳунар ўрганяпти. Демак ҳар йили шунча йигит-қиз ҳунарли бўлмоқда. Уларга иккинчи разрядли тоштарош уста деган гувоҳнома берилмоқда. Улар орасида Ўзбекистон Ёшлар мукофоти совриндори Тўхтамурод Комилов, вилоят ёшлар мукофотининг совриндори Муқим Ражабов, республика иқтидорли ўқувчи-ёшлар слётининг совриндори Ғолиб Абдуллаев, бошқалар бор.

...Тоштарошлик бизда янги санъат эмас, — у қадим-қадимдан сайқал топиб келган ҳунар. Аммо шу бой тажрибаларни бугунги ёшларга ўргатиш, яъни ҳунарни асраш-авайлаш бугунги кунда муҳимдир. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, Президент Ислом Каримов «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонини чиқарди. Ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимизда ўзбек халқининг бой меросини пухта ўрганиш ва истеъдодли ёшларни тарбиялаш масаласи кўндаланг турибди. Агар келажак мактабдан бошланишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўринда ҳомийларнинг тутган ўрни катталигини изоҳлаб ўтириш ортиқча. Мазкур мактаб тўғарак жамоаси ҳам ҳомий изламоқда. Ҳозирча эса ўқувчилар вилоят ярмаркаларига нон-тош, кулдон, нақшли мармар тахтачалари, лаганлар тайёрлаб сотишяпти, пулига эса асбоб-ускуналар олишмоқда. Ҳозиргача бу тўғарак 30 та кўргазмада қатнашди. Эндиликда чет элларда ҳам халқ ҳунармандчилиги кўргазмасини ташкил қилиш вақти келди.

Гап шундаки, тоштарошлик санъатининг сири ўзига хосдир. Айтайлик у ёғоч, ганч, мис, суяк ўймакорлигидан тубдан фарқ қилади. Масалан, шу санаб ўтилган ҳунарларда уста бирон хатога йўл қўйса уни тузатишнинг йўллари бор. Аммо тоштарошликдаги хатони тузатиб бўлмайди. Қанчадан-қанча қилинган меҳнат зое кетиши мумкин. Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, тоштарош юксак иқтидорли, ўзига хос маҳорат эгаси, бой билим ва тажрибага эга бўлиши керак. Бунинг устига ўта сабр-тоқатлилик талаб этилади. Оддий темир қалам, учли теша, циркул — паргор, чизғич ва буюмни ушлаб турувчи мосламадан бошқа нарса йўқ. Битта мармар лаганни қанча вақтда ниҳоясига етказиш мумкинлигини сўраганимизда: «Агар синдириб қўймаса, дарз кетмаса, ўн беш—йигирма кунда битириш мумкин», деган жавобни эшитдик. Шуниси диққатга лойиқки, тошда ҳам худди дарахт танасидагидек яширин йўллар (дарз чизиқлари) бор экан. Ишлов бериш вақтида ана шу жойларда буюм бўлиниб кетиши мумкин. Тоштарошликнинг яна нозик бир сирини қарангки, ана шу дарз кетадиган йўллар борлигини олдиндан билиш мумкин экан. Бунинг учун уста кичик болғачани тошга уриб кўради. Агар дарзи бўлмаса, товуш жаранглидор чиқади. Мармар қалинлиги эса камида 5—10 см. бўлиши керак. Агар мармар лаганчанинг диаметри 60 см. бўлса, мармартош шу ҳажмда қўлда қирқиб чиқилади. Бу ҳам ҳар хил: айлана ё қайиқсимон, кадани (шунинг мураккаброғи)... Лаганни қўл билан ушлаш осон бўлиши учун қулоқчалар ҳам чиқарилади.

Шаклни ўқувчиларга устанинг ўзи чизиб беради. Ёзув, расм тушириш — бу ишнинг энг мураккаби. Буни ҳам уста ўз зиммасига олган.

Эркинжоннинг ҳикоясини тинглар эканман, беихтиёр хаёлимга тош асри келди. Дунёда одам қўли билан яратилган нене нарсалар йўқ бўлиб кетгану аммо тоштарошлик намуналари бизгача етиб келган. Во ажаб! Ана тоштарошлик санъатининг худо юқтирган жиҳати нимада? «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасида тош орасига битилган Қуръон оятлари топилганлигини ўқиган эдик. Вужудимизга қаттиқ таъсир этган бу ноёб ҳодиса сири нимадайкин? Ёлғиз Оллоҳга маълум. Тоштарошликнинг илк намунаси — Зараутсой дарасида қоя тошларига ёзилган битиклар топилган. Мамлакатимизнинг Сармишсой қояларида битилган, ибтидоий одамларнинг тошга туширган ўймакорлик намуналари топилганичи? Археолог олимлар унинг ёшини уч минг йил, деб белгилашди.

Гапни мухтасар этсак, тоштарошлик санъатининг таъриф-тавсифини шу билан чегараласак бўлади. Аммо бир нарса кишига таъсир қилади. Машҳур шоир Қайсин Қулиев ўз юрти тошларини ёзиб, машҳур бўлганлигини қайд этган эди. Қолаверса, Ғафур Ғулом ҳам тоштарош ота довруғини эшитиб, бундан қирқ йил муқаддам мармар лаган буюртма берган экан. Бундай мисоллар анчагина. Ҳозирча тўғарак аъзолари шаҳарларнинг музейларига, корхона ва ташкилотларга турли эсдалик совғалари тайёрлашдан чарчамаяпти.

Икром ҲАМИДОВ.

«ОҚТЕПА»ДАГИ ҚОРА ДОҒЛАР

Мустақиллик туфайли юртимиз, шу қатори Тошкентимиз чирой очмоқда, обод бўлиб бормоқда. Биз бундан жуда хурсандмиз. Лекин бизнинг «Оқтепа» массивимизда бир қатор муаммолар борки, Сизларнинг ёрдамингизга муҳтожмиз.

Шундоқ ёнимиздан Оқтепа канали ўтади. Лекин биз ўзимиз сувга зормиз. Каналнинг суви Гулханий кўчасидан ўтади, бизнинг Увайсий, Огаҳий кўчаларимизга эса етиб келмайди. Экинларимиз қуриб кетмоқда. Неча марта ҳокимиятга мурожаат қилдик. Лекин натижа йўқ. Бундан ташқари, йўллар ўйдим-чуқур, болалар мактабга борадиган йўлакчалар емирилиб кеттан.

180-мактаб билан озиқ-овқат дўкони ўртасида катта ахлатхона юзага келган. Уни йўқотиш ҳеч бир раҳбарни ташвишга солмаяпти. Кўчаларимизда кечқурунлари чироқлар ёнмайди. Шундоқ ёнимизда тикув фабрикасининг 4 қаватли биноси бўш ётибди. Ундан фойдаланиб, элга, халққа нафи тегадиган ишлар қилайлик, деган гапимиз ҳам эътиборсиз қолиб кетмоқда.

Яна бир гап. Есенин кўчасининг охирида кичкинагина шинам боғ бор эди. Маҳалла аҳли шу ерда сайр қилар, дам олиб ҳордиқ чиқарарди. Уни ҳам ҳозирги «ишбилармон, тадбиркорлар» ўзлаштириб чойхона, гараж қуришди. Атрофида ахлатлар уюлиб ётибди. Шундай обод жойдан файз кетди.

Зеро, мустақиллигимизнинг 6 йиллиги арафасида бизнинг кўчаларда ҳам байрам бўлса.

Ҳурмат билан, маҳалла аҳли номидан:

Х. АКБАРОВ,
А. МЎМИНОВ,
Б. ЗУФАРОВ,
Э. ТЎХТАЕВ,
О. ҲУСАНОВ,
Т. АБДУЛЛАЕВ,
Т. ЭГАМБЕРДИЕВ ва бошқалар.

Ўзбекистон ва жаҳон

«НАМАСТЕ, ҲИНДИСТОН!»

1947 йилнинг 15 августида Деҳлидаги Қизил қалъа узра озодлик байроғи ҳилпиради. Мана 50 йилдирки ҳар 15 август кунини ҳинд халқи мустақиллик байрами сифатида кенг нишонлайди.

Бундан ярим аср муқаддам ҳинд халқи Буюк Британия мустамлакачилик сиёсатига қарши курашда ғалаба қозонган ва жаҳон харитасида Ҳиндистон Республикаси номли янги давлат пайдо бўлган эди. Шундан буён у жаҳондаги ривожланаётган давлатлардан бирига айланди. Ҳинд халқи тинч тараққиёт ва озодлик йўлидан дадил одимлади. Мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ Ҳиндистон ҳукумати иқтисодиётини тараққий эттириш, хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида кенг ҳамкорлик қилиш йўлидан борди. Ҳиндистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар қисқа вақтда ўз меваларини берди: Бугунги кунда мамлакат ишлаб чиқаришининг барча жабҳаларида юқори кўрсаткичларга эришилди, фармацевтика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик борасида катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Сўнгги вақтда Ҳиндистон иқтисодиётининг йиллик ўсиш суръати етти фоизни ташкил этди. Бугунги кунга келиб Ҳиндистон йилига ўрта ҳисобда 26 миллиард долларлик ташқи савдони амалга оширмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон истиқлолга эришгач, давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ҳинд заминига, Ҳиндистон раҳбарларининг ватанимизга бир неча бор қилган ташрифлари икки дўст давлат ўртасидаги турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга замин яратди. Ҳозир Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамкорлиги турли соҳаларни қамраб олган. Мамлакатимизда бир қатор ўзбек-ҳинд қўшма корхоналари ташкил этилган.

Жумладан, жаҳоннинг кўпгина давлатларида катта обрў қозонган «Аджанта Фарма» фирмаси билан Ўзбекистон ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномаси натижаси ўлароқ Термиз шаҳрида «Сурхон» Аджанта Фарма» қўшма корхонаси барпо этилди. Қисқа вақт ичида ташкил этилган қўшма корхонанинг низом жамғармаси 675 минг доллардан 5 миллион долларга ўсди.

Шунингдек, Деҳли ва Тошкент ўртасида ҳаво йўлларининг очилганлиги ҳам ўзаро алоқаларимизнинг янада ривожланишига олиб келяпти. Тошкентда Ҳиндистон миллий маданий маркази фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда икки буюк халқ ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар янада мустаҳкамланмоқда. Зеро, ўзбеклар ҳам, ҳиндлар ҳам муштарак ғоя — жаҳонда тинчлик барқарор бўлиши, халқлар ўртасида дўстлик ва бирдамлик мустаҳкам бўлишини қизғин қўллаб-қувватлайдилар.

Хайрулло НУРИДДИНОВ,
шарҳловчи.

БЕШ ИЛДИЗЛИ БИР ЧИНОР

Яна бир неча кундан сўнг мамлакатимиз пойтахти Тошкентда мустақилликнинг олти йиллиги муносабати билан илк бор Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия ва Белорусь мамлакатлари профессионал боксчиларининг халқаро беллашуви ўтказилади. Унда жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларининг совриндорлари ва халқаро турнирлар ғолиблари қатнашиши кўзда тутилмоқда.

* * *

Қозоғистон, Россия ҳамда бошқа қатор халқаро ташкилотлар 2000 йиднинг бошига қадар Қозоғистондан Россиянинг Қора денгиз соҳилига нефть қувури ўтказиш тўғрисида бир битимга келдилар. Қурилиш тахминан 2 миллиард долларга тушадиган ушбу қувур орқали йилига 28 миллион тонна нефть етказиб бериш мўлжалланмоқда.

* * *

Туркманистон билан Покистон ўртасида ҳам 1998 йилдан «Туркманистон —Афғонистон—Покистон» йўналишидаги газ қувури қурилишини бошлаш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Мазкур қурилиш лойиҳасининг умумий баҳоси 2,7 миллиард АҚШ долларига тенг. Янги қувур орқали йилига 20 миллиард куб метр газни етказиб бериш мумкин.

* * *

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида кўпчилик мамлакатлар вакиллари қатори қардош қозоқ элининг бир гуруҳ таниқли санъат усталари ҳам иштирок этишади.

«Интернет» ахборот тизимининг хабарига кўра кеча кечаси исёнкор полковник Маҳмуд Худойбердиев таслим бўлди. Бу ҳақда Тожикистон мудофаа вазирлигидаги ахборот манбалардан бири хабар берди. Ҳукумат қўшинлари Худойбердиевнинг Қўрғонтепа шаҳрининг жанубий қисмида жойлашган асосий ҳарбий базасига икки километр масофага яқинлашиб қолганларидан сўнг полковник бундан буён қаршилик кўрсатишнинг фойдаси йўқлигини ҳис этиб, таслим бўлганлигини эълон қилди. У республика раҳбариятига мурожаат қилиб, унинг базасини эгаллаш учун амалга оширилаётган операцияни тўхтатишни илтимос қилди. Исёнкорларнинг барча техникаси ва қурол-яроғлари кеча кундузи тортиб олиниши керак эди. Ахборот манбасининг таъкидлашича, полковник Худойбердиев Конституцияга қарши фаолияти учун республика қонунларига асосан жавоб беради.

* * *

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин кеча Кремлда Бош вазир Виктор Черномирдин ва Федерация кенгаши раиси Егор Строев билан учрашувни мўлжаллаб қўйган.

* * *

Италия полицияси мафияга қарашли анчагина мол-мулкни мусодара қилди. Бу мулкнинг умумий нархи 285 миллион доллар деб баҳоланмоқда. Мол-мулк 206 та бино, 49 та ер участкаси ва 26 та компаниядан, шунингдек чопқир отлар, автомобиль ва қимматли қоғозлардан иборатдир. Буларнинг барчаси Неаполь ва Казерте шаҳарларида жойлашган жиноятчиларга тегишлидир.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

* * *

«Хамас» ислом гуруҳи раҳбарлари душанба куни Фаластин автономияси раҳбари Ясир Арофатни огоҳлантириб, агар у Исроилнинг талабларини бажариб, ушбу ташкилот аъзоларини ҳибсга ола бошласа, унда фаластинликларни фаластинликларга қарши уруштириб қўйган бўлади, — дейишди. Эслатиб ўтамизки, июлнинг охирида Қуддусдаги бозорда катта портлаш содир этилиб, унда 15 киши ҳалок бўлиб, 150 киши жароҳатланганди. Шу муносабат билан Арофат террорчилик ҳаракатининг ижрочилари ва ташкилотчилари Қуддусга қайтиб келишларини талаб қилмоқда.

* * *

Александр Лукашенконинг Борис Ельцин билан Аслан Масхадов учрашувини Белорусь ҳудудида ўтказиш ҳақидаги таклифи Кремль томонидан рад этилиши мумкин.

* * *

1979 йилдаги Ислом революциясидан бери биринчи бор Эрон ҳукуматидаги ўринлардан бирини аёл киши эгаллайди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга жавоб берадиган Президент ўринбосари этиб Маъсума Эбтекар тайинланиши кутилмоқда. У Америка Қўшма Штатларида таълим олган. Касби — журналист. Демак, мамлакатнинг янги Президенти Муҳаммад Ҳотамий ҳукумат аъзолари орасида аёл кишининг ҳам бўлишини истабди.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

«Ассошиэйтед Пресс» агентлиги хабарига кўра, 23 июлда Швейцария банкларидаги «Ўлик ҳисоблар» рўйхати эълон қилингандан сўнг 20 мингдан зиёд киши маълумот беришни сўраб мурожаат қилди. Эслатиб ўтамизки, рўйхатдаги кўпгина ҳисоб рақамлари геноцид қурбонларига тегишлидир. Бу иккинчи жаҳон уруши йилларида нацистлар томонидан яҳудийларни қувғин қилиш билан боғлиқ. Ҳисоб рақамлари бўйича берилган саволларга Базель, Нью-Йорк, Тель-Авив, Будапешт ва Сидней шаҳарларида жойлашган махсус идораларнинг ходимлари жавоб беришади. Рўйхатни эълон қилиш билан бирга Швейцария банклари ўз фаолиятларидаги асосий қоидани, яъни омонатларни сир сақлашни унутиб қўйишди. Улар уруш пайтида нацистлар билан ҳамкорлик қилишди, деган айбни ювиш учун ҳам ана шундай қадамни қўйишга мажбур бўлишди.

***

Малика Диана «амалда» продюссер ва миллионер Доди Файедга турмушга чиқди, деб ёзади «Си-Эн-Эн» газетаси. Газета тез орада тўй бўлишини ва бу тўй Жаклин Кеннеди билан бой кемасоз Аристотель Онасеиснинг 1968 йилдаги никоҳига ўхшаб кетишини таъкидлайди. Доди Файед Буюк Британиядаги энг бой оилалардан бирининг аъзоси. Унинг отаси — Лондондаги «Хэрродс» дўконининг эгаси. Якшанба куни Британия газеталарида малика Диана ва Доди Файеднинг ўпишаётган вазиятдаги суратлари эълон қилинди. Айрим газеталарнинг маълумотига кўра, сурат муаллифи уч миллион доллар ишлаб олган.

* * *

Икки ёшли италиялик Леонардо Мария Дельвеккио Европадаги энг бой болага айланди. Унинг бойлиги 555 миллион доллардан иборат. Леонардо Мариянинг «Ленс-Крафтерс» фирмасининг эгаси бўлмиш 62 ёшли отаси томонидан берилган қимматли қоғозлар ана шундай нархланмоқда. Бу фирма кўзойнаклар тайёрлаб сотиш билан шуғулланади.

Жаҳон кино юлдузлари

АРМОНИГА ҲАВАС ҚИЛАМАН

Соҳибжамол Демини шундай дейишади: Голливуднинг энг бахтли бекаси! Билмадим. Балки бу фикр бироз шахсийдир. Шахсий ҳаётда бахтли киноактёрлар кўп эмас. Эстрада юлдузларининг кўпчилигини «ёлғиз», «шахсий ҳаёти мураккаб», «ҳамон ўз севгисига эришолгани йўқ» деб айтамиз. Тина Тёнер, Шнейд О, Конар, Сабрина, Алла Пугачева, Наталия Королёва... Эҳ, гўзал, ёлғиз санамлар...

Мисрлик, «юлдуз» Шири Ханни очиғи гўзаллик тимсоли деб биламан. Аммо шахсий ҳаёти ҳақида кам биламан. Билганим: ёлғиз.

Деми-чи? Унинг жаҳон кино санъаткорлари орасидаги мавқеи жуда баланд. Унга ҳавас қиламан. Йўқ, Деминнинг истеъдоди, шуҳрати ўз йўлига. Бахтли оиласига ҳавас қиламан.

Деми Мур ҳақида ёзишдан олдин Голливуднинг бошқа юлдузлари ҳақида ўйлай бошладим. Ҳақиқатан ҳам Голливудда ундан бахтлиси йўқ экан. Бор, кимдир зўр қобилиятни намойиш этяпти-ю, барибир шахсий ҳаётда омадсиз. Ёки оиласи тинч-у, режиссёрлар эътиборидан четда. Демига эса ҳар иккисидан буюрган.

Америкалик бу киноактёр санъат оламига беҳосдан кириб келмаган. Бахти ҳам бахтсизлиги ҳам кинодан. Назаримда, ёш қизалоқ «қасдма қасдликка» интилгандек. Чунки унинг онаси Мержесни омадсиз актриса бўлганди. Ҳаёт мураккабликларини ёш қалби жуда эрта тушуниб етди. Рок мусиқачи Мурга турмушга чиқди. Лекин онаси сингари тушкунликка тушмади. Кетма-кет кинода суратга туша бошлади. Қоқилган кезлариям кўп бўлди. 1987 йилда яна истеъдодли кино режиссёр Брюсе Уилис билан оила қурди. Лекин Мур фамилиясини сақлаб қолди. Негадир кўпчилик: «Эссиз, бу икки юлдузнинг асли юлдузи бир-бирига тўғри келмайди. Барибир ажраб кетишади» деб ўйлади.

Менимча, бундай дейишларининг боиси ўша кезлари Уилиснинг руҳий тушкунликка тушиб юргани сабаб бўлган бўлса керак. Агар эсласангиз Уилис 80-йилларнинг ўрталарида «Голливуднинг умидсиз юлдузи»га айланиб қолганди. Шунданми, эсда қоларли зўр роллар ўйнай олмади. Пишиқ-пухта картиналарга ҳам қўл урмади.

Бу муҳаббат икки юлдуз учун ҳам қутлуғ келди десам муболаға бўлмаса керак. «Илоҳий Эмма»да бош ролни Деми ёмон ўйнамади.

Дарвоқе, шу фильм Голливудга 100 миллион доллар даромад келтирганди. Тўғри, истеъдод ҳам ролма-роль жилоланади. Уларнинг эр-хотин яратган фильмлари, «Қассобнинг хотини», «Тўққиз ярим ҳафта», айниқса, «Беодоб таклиф»ни томошабинлар илиқ қарши олди.

«Қасамёд қилган» фильми сценарийсини эса Деми учун атайлиб яратишди. Бир гуруҳ жиноятчи тўда мафия тазйиқи остида ҳўрланган аёл образи Демига жуда маъқул тушганди.

Ҳа, Деми Мур беназир истеъдод эгаси. У машҳурлик пиллапоясининг энг юқори чўққисида. Очиғи, унинг яна бир ҳавас қилгулик томони бор. Деми Америкадаги якка (афсус) ҳам актёр, ҳам бахтиёр рафиқа, ҳам бахтли она-да. Уч нафар қизнинг меҳрибон онаси. Маълумки, бундай машҳурларнинг боласини энага ва мураббийлар тарбиялашади. Деми бўлса қизларининг юриш-туришидан тортиб, олган баҳоларигача ўзи кузатиб борар экан.

Деми ва Брюсе Уилис — Голливуднинг энг бахтли оиласидир. Юлдуздан бир учрашувда нотаниш аёл «Сиздаям армон борми?» деб сўраб қолади. Аслида аёл Демини бу саволига аҳамият ҳам бермайди, деб ўйламаган экан. Деми бўлса, агар бўлса, беихтиёр шунча мухлислар қуршовидан чиқиб, аёлнинг ёнига келадида, унинг қўлларини маҳкам сиқади: «Фарзандингиз борми?» дейди. «Ҳа, ўғил», дейди аёл шошиб, барибир қандайдир дардчил оҳангда.

«Демак, сиз армонсиз экансиз. Учта қизим бор. Бари отасини севади. Онасини жондан ортиқ севгувчи ўғилга она бўлсайдим! Ўғил кўришни орзу этгандим-да... Ўғилга она бўлиш армоним...»

Ҳавасим шундан. Минг машҳур бўлмасин Деминнинг қалбида оддий, мунисгина аёл орзуси, армони яшайди-да.

Нақадар соф туйғу бу. «Ўғилга она бўлиш армоним...»

Деми Мурнинг армонига ҳавас қиламан. Ўн нафар қизи бўлса-да, ўғилни кутган болажон оддий ўзбек аёлининг армонига жуда-жуда ўхшаб кетади.

Саида БОНУ.

БУ САФСАТА ЭМАС

Бразилия чангалзорларида маймунларнинг янги тури топилди. Мадейра дарёси водийсидаги маҳаллий деҳқон томонидан топилган бу маймун сичқондек келади. Голландиялик геолог Марк Ван Роосмален Амазонкани тадқиқ этиш институтида ишлайди. Унинг фикрича, серёмғир ўрмонларда ҳамон ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг эволюцияси давом этмоқда. Сут эмизувчилар ва ўсимликларнинг янги турлари Рио-Мадейра ҳудудида доимий равишда топилишини олимлар ҳайрон қоларли воқеа эмас, деб ҳисобламоқдалар.

* * *

Айни пайтда Европа Иттифоқи мамлакатларининг кўпчилигига нисбатан Британия ишчиларининг маоши кўпроқ экан. Оддий британиялик барча солиқ, пенсия бадаллари ва бошқа жамғармаларга пул тўлагандан сўнг ўз меҳнати учун соатига қарийб 11 доллар иш ҳақи оларкан. Бу Германиядагидан ҳам кўпроқ. Фақат Люксембург, Австрия ва Ирландияда ишчилар бундан кўпроқ маош олишаркан. Бироқ, маошни кўпроқ олиш яхши яшаш, дегани эмас. Масалан, Германия ва Данияда ўртача иш ҳақи Буюк Британиядагидан кўпроқ. Бироқ солиқларни тўлаб бўлгандан сўнг британияликнинг чўнтагида немис ва бельгияликдан кўра кўпроқ пул қолади.

* * *

Мамлакат молия тизимини қутқариб қолиш учун Тайландга 16 миллиард доллар миқдорида қарз берилиши мумкин. 1994 йилда Мексикага 50 миллиард доллар қарз берилган эди. Тайландга бериладиган қарзнинг асосий қисмини, яъни 5 миллиард долларни Япония ажратадиган бўлди. Бу мамлакат ушбу ҳудуддагина эмас, балки халқаро валюта жамғармаси томонидан ҳам энг йирик сармоядор, деб тан олинган. Халқаро ташкилотлар Тайландга ёрдам беришга қарор қилишди. Чунки бу ерда қатъий иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Демак, улар қарзни ўз вақтида қайтара олишларига ишонч бор.

Спорт

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ҒАЛАБА

Олий табақа футбол жамоалари ўртасида ўтказилган ўн тўққизинчи тур учрашувлари тўпларга бой бўлди. Фақат бир учрашувдагина дуранг ҳисоби қайд қилинди. Икки ўйинда меҳмонлар устун келишди. Уч учрашувда эса йирик ҳисобли ғалаба бўлди. Мухлислар ўйинлар жадвалига назар ташлаб, пешқадамлар мавқеини ҳамда ҳавфли поғоналарни эгаллаб турган жамоаларнинг ҳолати билан кўпроқ қизиқмоқдалар.

Бу сафар ҳам пешқадамлар мавқеларини мустаҳкамлашди. Ҳусусан, биринчи бўлиб турган МҲСК футболчилари ўн тўққизинчи ғалабага эришдилар. Бу йилги чемпион ана шу жамоа бўлса, ажаб эмас. Тўрт карра мамлакат чемпиони — Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари ҳам бўш келишмаяпти. Улар навбатдаги ғалабадан кейин мавқеларини янада мустаҳкамлашди. Тошкент вилоятининг «Дўстлик» футболчилари эса совринли ўринлардан бирига асосий даъвогар ҳисобланади. «Пахтакор» билан «Навбаҳор» масаласи эса бир мунча мушкулроқ. Ўтган сафар тошкентликлар ғалабага эришиб, бир поғона юқорига кўтарилган эдилар. Бу сафар эса тўртинчи маглубиятдан кейин яна ўз ўринларига тушишга мажбур бўлишди. «Навбаҳор» эса аксинча юқорига кўтарилди.

Учрашувлар эса қуйидагича тугади: «Афросиёб» — «Янгиер» — 1:1, «Нефтчи» — «Пахтакор» — 2:1, «Сўғдиёна» — «Чилонзор» — 3:2, «Трактор» — «Дўстлик» — 2:5, «Хоразм» — «Зарафшон» 1:0, «Косонсой» — «Атласчи»— 3:0. «Сурхон» — «Андижон» — 1:0, «Бухоро» — «Навбаҳор» — 1:4, МҲСК — «Насаф» — 6:2. Шанба куни йигирманчи тур ўйинлари бўлади. Ишқибозларни эса бу сафар «Навбаҳор» — МҲСК, «Пахтакор» — «Бухоро», «Янгиер» — «Сўғдиёна, «Дўстлик» — «Хоразм» учрашувларининг қандай кечиши кўпроқ қизиқтирмоқда.

«ФИФА» НИМА ДЕГАНИ?

Билиб қўйган яхши

Бу сўз мухлислар тилида тез-тез такрорланаётгани бежиз эмас. Боиси, Францияда бошланадиган навбатдаги жаҳон футбол чемпионатига тайёргарлик ишлари авжига чиққан палла. Европа, Африка, Лотин Америкаси, Осиё минтақаларида саралаш учрашувлари бирин-кетин ниҳоясига етиб, чемпионатнинг финалида иштирок этувчи терма жамоалар номи аниқланмоқда. Бу ишларнинг бошида ФИФА мутахассислари турган, раҳнамолик қилаётгани ҳаммага аён. Хўш, ФИФА нима маънони билдиради-ю у қачон ташкил этилган? Бугунги кундаги фаолияти нималардан иборат?

Яна икки йилдан кейин ФИФА ташкил топганлигининг 95 йиллиги нишонланади. Аслида 1904 йилнинг 21 май куни Сена дарёсининг соҳилида жойлашган Париждаги унчалик катта бўлмаган қароргоҳда илк бор ФИФА ташкилотчилари тўпланишган, фикрлашишган, ҳатто баҳслашганлар. Ўша даврларда асосан Франция, Бельгия, Голландия, Дания, Испания, Греция ва Швейцария мамлакатларининг футболи эътироф этиларди, холос. Ана шу мамлакатларнинг футбол ташкилотчилари ўзаро фикрлашиб, халқаро футбол бирлашмасининг ўзига хос мақомини ишлаб чиқишган. Шу тариқа бундан бир неча ун йиллар илгари, 21 майда, ҳозирги кунда ФИФА деб юритилаётган, унинг таърифини тўлиқлигича айтадиган бўлсак — Халқаро Футбол Федерациялари Ассоциацияси таркиб топган.

ФИФАнинг биринчи президенти этиб француз Роберт Грен тайинланган эди. Ўтган йиллар мобайнида бу ташкилот раҳбари бир неча бор ўзгарди:

1904 — 1906	*Р. Грен (Франция)*
1906 — 1918	*В. Вулфол (Англия)*
1921 — 1954	*Ж. Риме (Франция)*
1954 — 1955	*Р. Зеелдрайерс (Бельгия)*
1956 — 1961	*А. Древью (Англия)*
1961 — 1974	*С. Роуз (Англия)*
1974 —	*Ж. Авеланж (Бразилия)*

ФИФА раҳбарлари ичида француз Жюль Риминнг қилган хайрли ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз. У бошчилик қилган йиллар жаҳон футболида унутилмас воқеалар, бетакрор дақиқалар юз берди. Узоқ йиллар жаҳон биринчилигида Ж. Риме таъсис этган Ғолиб Маъбуда тасвири туширилган олтин кубок учун кураш бўлди. Бразилия жамоаси бу кубокни мутлақ қўлга киритгунга қадар Ж. Риме раҳнамолик қилиб турди. Бошқалар эса, хусусан Стэнли Роуз 1970 йил баҳоридаёқ кутилмаганда фахрли мартабадан воз кечиб, жаҳон футбол жамоатчилигини ҳайратга солган эди.

Бугунги кунда ФИФАга аъзо миллий футбол федерацияларининг сафи янада кўпайган. Ҳусусан, мазкур ташкилот ўзининг 75 йиллик тўйини нишонлаган пайтда, ФИФАга 145 миллий футбол федерацияси аъзо бўлган бўлса, кейинги йилларда собиқ СССРнинг парчаланиши муносабати билан яна бир қанча давлатлар унга янги аъзо сифатида қўшилдилар. Шу жумладан, Узбекистон Республикаси футбол уюшмаси ҳам 1992 йилда норасмий, 1993 йилдан эса расмий равишда ФИФА аъзоси, деб эътироф этилди. Мамлакатимизда футболни ҳар томонлама ривожлантириш, довруғини ошириш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар самарали кечишидан умидворминз, албатта. Шу кунларда Осиё минтақаси саралаш учрашувларининг иккинчи босқичига ҳозирлик кўраётган бош терма жамоамизнинг учрашувларига омад тилаб турибмиз. Ўйлаймизки, Парижда ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионати миллионлар учун катта қувонч ва завқ байрамига айланади.

Мирзо АНВАР
тайёрлади.

ЎҒЛОНЛАРНИ ЁД ЭТИБ...

1979 йил 8 август куни пахтакорчилар «Заря»ни қабул қилдилар. 32000 томошабин йиғилган ушбу учрашувда ғалаба қўлга киритилди. Дастлабки 9-дақиқада Чуркиннинг дарвозабонни доғда қолдириши пахтакорчиларнинг руҳини кўтариб юборди. Ҳисобни меҳмонлардан Заваров тенглаштирди. Тўрт дақиқа ўтар-ўтмас В. Фёдоров жамоадошларини олдинга олиб чиқди. Ўйиннинг иккинчи бўлимида Корчёновнинг берган зарбаси ғалабани янада мустаҳкамлади...

Ғалаба кайфиятида, 11 август куни Тошкент — Гурев — Донецк йўналишида 8400 метр баландликда учиб кетаётган 17 баҳодирни Днепродзержинск осмонида ажал ўз домига олди.

Шу воқеага 18 йил тўлибди. Ҳар йили «Пахтакор — 79»ни хотирлаб шаҳар ва туманларда хотира турнирлари бўлиб ўтмоқда. Бу йилги футбол ҳафталигининг (4—11 август) финал босқичи Ўрта Чирчиқ туманидаги ТошДАУ ўқув-тажриба хўжалиги стадионида бўлди. Дастлаб собиқ пахтакорчиларнинг оила аъзолари, дўстлари «Пахтакор» ўйингоҳидаги ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишди. Вилоят ҳокимлигида қабул маросими бўлди. В. Фёдоров, М. Ан, О. Аширов қабрлари пойида сукут сақланди. Ўртасарой қишлоғидаги В. Фёдоров яшаган кўчага унинг номи берилди.

Тошкент вилоят ҳокими соврини учун ўтказилган мусобақада Қуйи Чирчиқ билан Олмалиқ жамоалари финалда куч синашдилар. Қуйи Чирчиқ жамоаси 5:4 ҳисобида ғалабага эришди.

Майдонда Тошкент вилояти ва «Пахтакор» фахрийлари. «Самога сочилган юлдузлар» шарафига парашютчилар сакрадилар. Пахтакорчиларнинг оила аъзоларига, фахрийларга Республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди. Учрашувда эса «Пахтакор» фахрийлари 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўпларни Аҳмад Убайдуллаев (2 та) ва Юсуф Шодиметовлар киритишди.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ.

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 14 avgust, payshanba № 95 (22.179).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ҲАЁТИМ БИТТА ҲАРФ УСТИДА

Дилнома

Энг масъулиятли, энг нотинч, ҳатто хавфли деса ҳам бўлаверадиган касб — газетачилик. Бу касб кишиси биттагина хато қилса, яъни битта ҳарфни нотўғри қўйса тақдири хавф остида қолади. Муҳаррирнинг, маъсул котибнинг ҳаёти битта ҳарф устида ё уёқли ё буёқли бўлиб туради.

Уруш йилларида «Правда Востока» газетасида «главкомандуюший» сўзидан «Л» ҳарфи тушиб қолгани учун «Халқлар отасини ҳақорат қилдинг» деб бир неча ходим қаттиқ жазоланган эди. «Қизил Ўзбекистон»да «Олий бош қўмондон» сўзидан О ўрнига «Ў» ёзилиб қолгани учун «Буюк доҳийни бўш қўмондон» деб ёзгансан деб, «Сталинград» сўзида «Р» ҳарфи тушиб қолгани учун ўша кезлари марказқўм редакцияни ола калтак, қора калтак қилиб юборган.

Бош муҳаррир кечаси соат бирдами, иккидами газетага имзо чекиб кетгандан кейин ҳам уйида тинч ётолмайди, ҳар уйғонганида редакцияга телефон қилиб, навбатчига саҳифаларни яна бир ўқиб кўр, — деб тайинлайди.

Муҳаррир ёстиққа эмас тиканга бош қўйгандек сапчиб туриб кетаверади. Эрталаб ишга келиши билан салом-аликни ҳам унутиб, газета ўқишга тушади. Телефон жирингласа трубкани кўтаришга юраги дов бермайди.

Бу сатрларни ўқиб, муҳаррир, муаллифларнинг пешонаси тиришиши мумкин. Ҳа, газетачиларга қийину, бизга осонми, дейишлари аниқ. Тўғри, сизга осон. Сиз ёзганингизни редакцияга ташлаб кетасизу бир кун газетада кўрасиз. Кимга

1

«НАНАЙ» — СЎЛИМ ГЎША

Гапнинг сираси, мен бир вақтлар машҳур ҳисобланган Кисловодск оромгоҳидан қолишмайдиган ўзимизнинг «Нанай» дам олиш маскани ҳақида фикр юритмоқчиман. Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Қирғизистоннинг Бешўтаман сойи-ю, адирларига яқин ердаги боғроғлари билан ўралган «Нанай» дилтортар гўшалардан бири саналади. Ҳавосининг мусаффолиги, табиатининг гўзаллиги таҳсинга лойиқ. Туристик база эндиликда акциядорлик жамиятига айланган.

Бу ерга 3, 12 ва 21 кунлик йўлланма билан келиш мумкин. Туристик база директори Турсунпўлат Эсонбоевнинг таъкидлашича, йўлланмалар нисбатан арзон. Хусусан, 12 кунга 5200 сўм: уч маҳал овқат, маданий-маиший хизмат, «Оқ терак», «Сассиқ булоқ» ва «Пахтачи» дам олиш уйларига уюштириладиган саёҳатлар ҳам шу ҳисобга киради. Жаҳон саломатлик ташкилотининг маълумотига қараганда, соғлом турмушни тўғри ташкил этиш аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг қарийб 50 фоизини таъминлашга имкон берар экан. «Нанай»га ташриф буюраётган вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер тузиш ва ундан фойдаланиш инспекцияси, лойиҳа идораси, Андижондаги 2-микродаҳа, иссиқлик узатиш корхонаси, 51-автокорхона ҳамда Пахтаобод туман халқ таълими бўлимига қарашли мактабларнинг ўқитувчи-мураббийлари бу ерда ҳордиқ чиқариб, мамнун бўлиб кетишди. Сўлим гўшага Тошкент, Фарғона, Наманган вилоятларининг шаҳар-қишлоқларидан ҳам кўплаб одамлар келишмоқда.

Жалолиддин ТУРДИЕВ,
республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80, факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир И. ҲАМРОЕВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0506

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

қийин муҳаррирга қийин, кимга қийин масъул котиб билан корректорга қийин...

Бу сатрларни битишдан мақсадим, мен азиз укам, олим, журналист, ёзувчи Мақсуд Қориев тўғрисида бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман. Бу сабр-бардошли одам сурункасига йигирма бир йил юрагини ҳовучлаб «Ўзбекистон овози» газетасига муҳаррирлик қилди. Ўн йилга яқин «Тошкент ҳақиқати»га, тўрт йил «Муштум»га муҳаррир бўлди. Беш йилдирки «Меҳригиёҳ» газетасининг бешигини тебратмоқда. «Меҳригиёҳ» газетасини чиқара бошлаганда ҳазиллашиб, «Шунча йил муҳаррир бўлиб зерикиб кетмадингизми» дедим. Шунда у: «Газетанинг меҳригиёсисиз яшай олмайман» деб қолди.

Ҳа, Мақсуд Қориев қирқ йилдан бери ўта масъулиятли вазифани адо этиб газета меҳри билан яшади. Қирқ йилдирки, унинг уйқусида ҳаловат йўқ. Қирқ йил телефон трубкасини кўтаришга юраги безиллади. Салкам ярим аср муҳаррирлик фаолиятида хато қилмади. Халқда ҳаётим қил устида, деган ибора бор. Бу иборани муҳаррирлар тилидан ҳаётим ҳарф устида, деса ҳам бўлади.

Одатда ҳукумат раҳбарлари халқни янги йил билан табриклайдилар. Биз Москвага қарам пайтларимизда «зангори экран» орқали Хрушчев ё Брежнев табрикларди. Кремль куранти ўн икки марта занг уриши билан телеэкранда қорақош Брежнев кўринарди. Москва вақти билан соат ўн икки, Тошкентда эса кечаси соат уч. Табрикни ёзиб олиш керак, таржима қилиш керак, машинкада кўчириш керак, босмахонага бериб тердириш керак. Ўша кечаси редакцияда ҳеч ким ухламайди. Ҳамманинг уйида базм, ҳамма ширакайф, аммо редакция ходимлари туғуруқхона доясидек ҳушёр туришади.

Ўша табрик босилган газета эртасига пешиндан кейин чиқарди.

Хрушчев деган раҳбаримиз узундан-узоқ доклад қиларди. Унинг

2

нутқи босилган газета саккиз саҳифа бўлиб чиқарди. Миллион ҳарфда терилган газетани қайта-қайта ўқиб чиққунча, уни босишга имзо чеккунча ходимлар кўзи ёриган аёлдек шалпайиб қолишарди.

Мана шу мураккаб, ўта масъулиятли вазифани бажарар экан, Мақсуд Қориев юридик фанлари номзоди деган даражани олиш учун ҳам вақт топа олди. Гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона ҳикоялар ёза бошлади. Битта-яримта эълон қилинганлари ўқувчилар назарига тушди.

Етмишинчи йиллари Қориев учун сермаҳсул йиллар бўлган эди. У ўша йилларда «Ойдин кечалар», «Жийда гуллаганда», «Афросиёб гўзали», «Турналар баланд учади», «Қиз узатиб борганда» қиссаларини эълон қилди. Республика радиоси бу қиссалар асосида радиопостановкалар тайёрлади. У олим сифатида она юртимиз озодлиги учун курашган аждодларимиз ҳаётига қизиқиб қолди. Тарихий мавзудаги «Спитамен» романи ҳам илмий, ҳам ижодий изланишлар натижаси бўлиб дунёга келди. Муаллифнинг бу китоби ўқувчиларга манзур бўлди. Бошқа тилларга ҳам таржима қилиниб, қардош китобхонлар жавонидан ўрин олди. Кейинчалик ёзувчи бу романни бугунги кун назари билан кўриб чикди ва «Сўғд ўғлони» номи билан қайта нашр қилди.

Истиқлолимизнинг беш йиллиги арафасида адиб буюк бобокалонимиз, жаҳон табибларининг отаси, қомусий олим Ибн Сино тўғрисида янги роман яратди.

Мақсуд Қориевнинг қиссалари асосида «Ўзбекфильм»да «Қиз узатиб борганда» ва «Қалдирғочлар баҳорда келади» бадиий фильмлари яратилди.

Мен шу ажойиб инсон билан эллик йилдан бери дўстман. Акаси қўшиқчи шоир Маъруф Қориев билан бирга адабиётга кириб келганмиз. Маъруфдан ўнлаб ажойиб қўшиқлар қолган. Мамлакатимизнинг энг машҳур бастакорлари билан ҳамкорликда яратган дилбар қўшиқларини мумтоз ҳофизларимиз ҳалиҳали ижро этиб келадилар.

Мақсуднинг машқ ҳикояларидан то катта романлари, қиссаларигача менга таниш. У кўз олдимда ёзувчи бўлиб шаклланди. Унинг ўзи дилбар инсон сифатида ҳурматга лойиқдир. Агар қай бирингизнинг дўстингиз кўп, деб сўрасалар, албатта мен Мақсудни кўрсатардим. Унда қандайдир одамни ўзига тортадиган оҳанрабо бордек.

Қайғунгизга қайғудош, дардингизга ҳамдард бир инсон сифатида ҳам мен уни қадрлайман. Мақсуд Қориев ҳар қандай шароитда суянса бўладиган вафодор дўстдир.

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

3

Театр ва томоша

СЕНИ КУЙЛАЙМАН ВАТАН

Сурхондарёда Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри республика Қўшиқ байрамига бағишланган кўрик-танлов ўтказилди. Турли гуруҳлар, қўшиқ шайдолари ўз санъатларини намойиш этишди. Тадбир якунига кўра 1-ўрин ҳеч кимга насиб этмади. 2- ва 3-ўрин эса жарқўрғонлик Норали Алланазаров ижросидаги «Ватанимни куйлайман», шўрчилик Бахтиёр Бобохонов айтган «Муборак Ўзбекистоним» қўшиқларига ҳамда Денов болалар санъат мактабининг «Хор» гуруҳи ижросидаги «Ўзбегим» ашуласига берилди.

«МУНИС ОНА»НИ МАДҲ ЭТИБ

Гулистондаги яшил театр биносида бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Тўхтасин Жалилов ижод этган асарларни ижро этиш бўйича танлов ташкил этилди. Иштирокчиларнинг ижрочилик маҳорати, ўзига хос маданияти, куй ва қўшиқлари мутаносиблигига эътибор берилди. Танловда шоира Эътибор Охунова қаламига мансуб «Мунис она» шеъри Т. Жалилов мусиқаси асосида яратилган қўшиқни куйлаган боёвутлик Меҳринисо Бердибекованинг хонишлари юқори баҳоланди.

Фотима ЖУМАЕВА,
Садбархон ЖЎРАЕВА.

ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — ЎЗБЕКИСТОН

(Сорос жамғармаси)

«САЁҲАТЛАР УЧУН ГРАНТЛАР» КОНКУРСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс конференция, семинар, симпозиум, конгрессларда докладлар билан қатнашмоқчи, лекин маблағи етарли бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари учун ўтказилади.

Бундай илмий тадбирлар:

- *Таълим*
- *Фуқаролик жамияти*
- *Демократик институтлар қуриш*
- *Ҳуқуқий ислоҳот*
- *Ижтимоий фанлар*
- *Экология*
- *Иқтисодиёт*

каби соҳаларда ўтказилиши лозим. 1997 йилнинг 14 октябридан 31 декабригача бўлиб ўтадиган тадбирларда қатнашиш учун аризалар қабул қилинади. Аризаларни 1997 йилнинг 15 сентябригача Очиқ жамият институтига топшириш керак.

Қуйидагиларга грант берилмайди: жамоа аризалар: спорт, дин, сиёсат ва бизнес билан боғлиқ саёҳатлар; чет элда ўқишни; фестивал, конкурс, кўрикларда қатнашув; илмий тадқиқотлар ўтказиш; табиий фанлар.

Ариза формасини Очиқ жамият институтидан олишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент 700100, Ивлиев кўчаси, 41. «Океан» магазини ёки собиқ Шота Руставели кўчасидаги Турция коллежи яқинида).

Телефон (факс: (3712) 40-68-54 ва 55-61-60.

электрон почтаси: <OSI a OSI. SILK. ORG>

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти жамоаси шу институтнинг «Ўзбекистон тарихи ва сиёсатшунослик» кафедраси доценти **Маҳамадхўжа Ҳамидхўжаевич ҲАМИДХЎЖАЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ДАФТАР ҲАМ СОВҒА

Гулистон матбаа ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти Истиқлол байрами арафасида жамоа аъзоларига ўзига хос совға инъом қилди. Корхона илғор ишчиларининг ҳар бирига 200 тадан ўқувчилар дафтари совға қилинди. Янги ўқув мавсуми мобайнида болалар ота-оналари олиб келган дафтарни қўлга олиб, қувончга тўлишлари шубҳасиз.

Абдужалил УМАРОВ.